## ШАРТНОМА № 17/12

Самарканд шахар «28» 01. 2022 йил

Доргом Давлат ўрмон ишлаб чикариш корхонаси кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб юритилади узининг низоми, асосида иш юритувчи рахбари С. Хайруллаев номидан, бир томондан ва Зомин давлат урмон хужалиги кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади узининг низоми асосида иш юритувчи рахбари А.Саримсоков иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар хакида туздилар.

### 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўзига тегишли бўлган товар(махсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Буюртмачига мулк килиб топшириш, Буюртмачи эса товар(махсулот)ни кабул килиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тулаш мажбуриятини олад

| № | Товар (махсулотлар) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Бахоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | **Крим карагай кучат** | дона | 340 | 280 000 | 95 200 000 |
| 2. | | | | | |
| | **Жами** | | **340** | **280 000** | **95 200 000** |

### 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси туксон беш миллион икки юз минг Сум

2.2. Сотиб олинаётган товар (махсулот) учун олдиндан тўлов миклори 30 % ни ташкил килади, махсулот етказиб берилгандан кейин колган 70 % ни 3 банк иш куни ичида тулаб берилади.

2.3. Тўлов шакли накд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

### 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (махсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган холатда Буюртмачига ўз вактида топшириш.

3.1.2. Товар (махсулот)ларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак.

3.1.3. Етказиб берувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (махсулот) мавжудлиги хакида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (махсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофик сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини кайтариб беради.

3.1.4. Етказиб берувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик товар (махсулот)га бўлган кафолат муддатларини таклим этади.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.2.1. Кабул килиш далолатномасини расмийлаштирган холда ушбу шартнома ва конун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миклори, сифати ва бутлашиши бўйича кабул килиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аникланган такдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги хакида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида етказиб берувчини хабардор килади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миклорда, тартибда ва муддатда товар хакини тўлаш

3.2.4. Шарнома имзолангандан бошлаб 3 -банк иш кунида кучатлар олиб борилиб экиш ишлари бошланади

### 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1 Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас кисми бўлиб хисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.2. Шартнома конунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг конунчилик хужжатларида белгилаб берилган бошка холларда кайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

### 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлик коплайди ва куйидаги миклорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлик топширмаганлик учун Етказиб берувчи хар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар киймати нинг 5 % миклорида , тез бузиладиган товарлар бўйича эса- 20 % миклорида жарима тўлайди.

5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар кийматининг , шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун Етказиб берувчи товар кийматининг 30 % миклорида жарима тўлайди.

5.4. Товар хакини ўз вактида ёки тўлик тўламаганлик учун Буюртмачи хар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,01 % миклорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 0,050 % дан ортик бўлмаган миклорда пеня тулайди.

5.5 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган хар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 5 % миклорида пеня тулайди, бирок бунда пениянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар бахосининг 70% дан ошиб кетмаслиги лозим.

5.6. Неустойкани тулаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.

5.7. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган товар махсулотлар нархи юкори деб топилган такдирда уртадаги фарк товар етказиб берувчи томонидан копланади.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома тарафларнинг имзолари қуйилган кундан бошлаб, 2022 йил «31» декабргача амал қилади.
6.2 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб хисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
6.2. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

## 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан Сирдарё вилояти Гулистон туманлараро Иқтисодий суди тартибида ҳал қилинади

## 8.ФОРС – МАЖОР

8.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табиий офатлар,ноқулай об-ҳаво шароити,ҳукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажарили бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги тегишли орган орқали исботланса жавобгар бўлмайди.
8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги" ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунлари талаблари бўйича жавобгар бўлади.

## 9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.
9.2 Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиниш мумкин

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«Етказиб берувчи»:**
**Даргом Давлат Ўрмон И/Ч Корхонаси**

Манзил: Самарқанд. ш. Чўпон ота маскани.
Тел: +998, 99 777 40 30
Ш.Х.В: 400121860184017042203142002
СТИР: 205 671 218
**ОКОНХ: 31000**
**Ғазначилик номи: Самарқанд вилояти бўйича ғазначилик бошқармаси**
**Ғазна х/р: 23402000300100001010**
**Банкнинг номи: Марказий банк ХККМ**
**МФО: 00014**
**Ғазначилик СТИРи: 201122919**

Раҳбар ____________ С. Хайруллаев

**"Ижарага олувчи":**
**Зомин Давлат ўрмон хўжалиги**

Манзил: Зомин туман Боғишамол МФЙ

Тел: 99 5505020
Марказий банк ББ ХККМ Тошкент ш.
МФО-00014 ИНН-200335978
ШХВ№ 400121860082187042203142001
ОКЭД-31100
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги
ИНН-201122919
х/р№ 23402000300100001010

Раҳбар ____________ А. Саримсоков

**Darg`om davlat o`rmon ishlab chiqarish korxonasi va Zomin davlat o`rmon xo`jaligi o'rtasidagi 95 200 000 so'mlik daraxt ko`chatlarini yetkazib berish shartnomasi loyihasini xuquqiy ekspertizadan o'tkazish yakuni bo'yicha**

**X U L O S A** JY88626401

Zomin tuman yuridik xizmat ko'rsatish markazi boshlig'i V.Omonov tomonidan Darg`om davlat o`rmon ishlab chiqarish korxonasi va Zomin davlat o`rmon xo`jaligi o'rtasidagi 95 200 000 so`mlik daraxt ko`chatlarini yetkazib berish shartnomasi loyihasi xuquqiy ekspertizadan o`tkazildi.

Loyiha O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 437-456-moddalari va "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-xuquqiy bazasi to'g'risida"gi qonun talablariga rioya etilgan xolda rasmiylashtirilgan.

Shartnoma loyihasida shartnoma predmeti, etkazib beriladigan tovarning miqdori, sifati, assortimenti va bahosi, shartnomaning bajarilish muddatlari, hisob-kitob qilish tartibi, taraflarning majburiyatlari, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligi, nizolarni hal etish tartibi hamda taraflarning rekvizitlari, shartnoma tuzilgan sana va joyi, tovarlar haqini qonunchilikda belgilanganidan kam bo'lmagan miqdorda oldindan to'lab qo'yish shartlari nazarda tutilgan.

Yuqoridagilarga ko'ra taraflar mazkur shartnoma loyihasini imzolashlari mumkinligi xaqida ijobiy xulosa berildi.

**Zomin tuman yuridik xizmat ko'rsatish markazi boshlig'i** V.Omonov